


КУН МАВЗУЛАРИ

"Шармандали ҳокимлар?"

13 дақиқа аввал



Ўзбекистонда туман ҳокими яхши ободонлаштирилмаган уй ва маҳаллаларга "Ўятли хонадон" ҳамда "Шармандали маҳалла" деган плакатларни илишни буюрди.

Тошкент вилояти Чиноз тумани ҳокими Шерзод Солиҳов бу топшириқларни 27 июль куни туман ҳокимлиги томонидан тасвирга олиниб, эълон қилинган йиғилишда берган. Видео 5 август куни кенг жамоатчилик эътиборини тортди.

Видеода Солиҳов "Бирлик" маҳалласидаги ҳолатни танқид қилиб, ўтлар белгача ўсиб кетгани, ўрилган ўтлар олиб чиқилмагани, гул ва райҳон экилмаганини айтган.

"Бу маҳаллани шармандали маҳалла десак бўладими, йўқми?" — деган у "Шармандали маҳалла" деган плакатни қўлига олар экан.

"Халқ кўрадиган жойга осиб қўйинг. Бугундан бошлаб "Бирлик" — шармандали маҳалла", — деган у мутасаддиларга.

Шундан сўнг Солиҳов маҳалла раисларининг уйларини текширишни буюрган. Унинг айтишича, мутасаддилар дарвозалар бўялгани, уйлар оқлангани, кўча ва ҳовлиларга гул, атиргул ёки райҳон экилганини суратга олиши керак.

Мутасаддиларга ҳар бир хонадондан тўрттадан сурат тақдим этиш учун бир кун муҳлат берилган.



"Агар эртага кечгача қилишмаса, ўзим бориб, ўша уйга "Ўятли хонадон" деган плакатни осиб қўяман", — деган Солиҳов.

У, шунингдек, маҳаллаларда ҳашар ташкил этиш, кўчалар ва ариқларни чиқиндилардан тозалаш, деворларни оқлаш, дарахт ва гуллар экишни буюрган. Унинг айтишича, томорқаларга даромадли экинлар ҳам экилиши керак.

Видео Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида 1 сентябрь — Мустақиллик куни арафасида ўтказилаётган тозалик текширувлари атрофида баҳслар кучайган бир пайтда тарқалди.

Бошқа туманларда олинган видеоларда маҳаллий амалдорлар, баъзан ички ишлар ходимлари ҳамроҳлигида, аҳоли хонадонларига кириб, ҳовли, ошхона, музлаткич ва қозонларни текшираётгани акс этган. Аҳолидан уй-жойларини тозалаш талаб қилинган, айрим ҳолларда эса улар жарима билан таҳдид қилинган.

44 ёшли Шерзод Солихов 2024 йил февралдан буён Чиноз тумани ҳокими лавозимида ишлаб келмоқда.

Саранжом ҳокимлар

Чиноздаги ҳолат алоҳида воқеа эмас. Сўнгги кунларда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ҳокимлар, маҳалла раислари ва бошқа мутасаддилар аҳоли хонадонларида тозалик текширувлари ўтказиётгани акс этган видеолар тарқалди. Айрим рейдларда ички ишлар ходимлари ҳам қатнашган.

Жумладан, Шаҳрисабз тумани ҳокими Самад Ҳасанов бир хонадонга кириб, ошхона, омборхона ва ётоқхонани кўздан кечиргани, уй бекасини тозалик учун танқид қилгани акс этган видео кенг муҳокамага сабаб бўлди. Видеода у мутасаддилардан жарима солишни талаб қилиб: "Ҳозир жаримани урасиз! Кечирим сўради деган гап ўтмайди", — деган.

МАВЗУГА АЛОҚАДОР

- "Тозалик рейди": Хонадонларга бостириб кирган ҳокимлар

Бошқа видеоларда амалдорлар ҳовлилар, ошхоналар, музлаткичлар ва ҳатто қозонларни текшириётгани кўринади. Улар аҳолидан ҳовлиларни тозалаш, тандирхона деворларини оқлаш ва уй олдини ободонлаштиришни талаб қилган, айрим ҳолларда эса жарима билан таҳдид қилган.

Бу рейдлар 1 сентябрь — Ўзбекистон Мустақиллиги кунига тайёргарлик доирасида ўтказилаётгани айтилмоқда. Чиноз ҳокимининг "Уятли хонадон" ва "Шармандали маҳалла" плакатларини илиш ҳақидаги топшириғи мамлакат бўйлаб кузатилаётган шу каби чораларнинг навбатдаги кўриниши бўлди.

Амалдорларнинг аҳоли хонадонларига кириши, шахсий буюмларни текшириши ва жарима билан таҳдид қилиши ижтимоий тармоқларда кескин норозиликка сабаб бўлди. Айрим фойдаланувчилар бундай туман раҳбарларини "шармандали ҳокимлар" деб атаган. Бошқалар эса бу кампанияни ҳукуматда ким бошлагани ва маҳаллий ҳокимларга бундай чораларни қўллашни ким буюрганини сўрамоқда.

Эълон қилинган расмий видеоларда бу топшириқлар қайси давлат идораси ёки мансабдордан келгани очиқ айтилмаган. Ўзбекистон ҳукумати ҳам мамлакат бўйлаб ўтказилаётган бундай текширувлар юзасидан ҳозирча умумий изоҳ

бермаган.